



Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилингандын муттафакун алайх ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: «Мусулмон кишига етган мاشаққат, касаллик, ғам-ташвиш, ҳафагарчилик, азият, ҳатто баданига кирган бир тикан сабабли ҳам Аллоҳ таоло унинг гуноҳларидан ўчиради», дедилар.

Муттафақун алайҳ ҳадисда Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига беморлик пайларида бордим, у зот қаттиқ иситмалаб ётган эканлар. Мен: «Сиз иситмада куйиб-ёняпсиз, сизга бунинг учун икки карра ажр бўлар», дедим. «Ҳа шундай, қай бир мусулмон кишига бирон азият етса, шу сабабли Аллоҳ унинг гуноҳларини худди дарахтнинг барглари тўкилгани каби тўкиб юборади», дедилар.

« » :



## Ислом Нури

Имом Муслим ривоят қылган ҳадисда Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Умму Соибнинг олдига кириб: «Сизга нима бўлди эй Умму Соиб, қалтираяпсиз?» дедилар. «Куриб кеттур иситма», деди. «Иситмани сўкманг, чунки у одамзотнинг гуноҳларини худди темирчининг босқони темирнинг зангини кетказганидек кетказади», дедилар.

## Шарх:

Аллоҳ таоло ўзининг раҳмати туфайли мусулмон кишига бу дунёда етган касаллик, мусибат каби нарсаларни унинг гуноҳларига каффорат қилиб қўйди. Мусулмон кишига етган ҳар бир мусибат - агар унга сабр қила олса - Аллоҳ таоло тарафидан унга бўлган неъматдир.

### **Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:**

1. Инсон ўзига етган касаллик ва мусибатларга сабр қилиши лозим.
  2. Агар сабр қилиб, савоб умид қилса, бу унинг гуноҳларига каффорат бўлади.
  3. Бандаларининг гуноҳларини мана шундай нарсалар сабабли каффорат қилиб туриши Аллоҳ таолонинг фазлу марҳаматидандир.